

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ГАФУРОВА ПРОДАХОН МУХТАРОВНА**

**ТУРКИСТОНДА ИСЛОМ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ**  
**(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Historical Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
историческим наукам**

**Гафурова Иродахон Мухтаровна**

Туркистонда ислом меъморий обидалари (XIX аср иккинчи ярми – XX аср  
бошлари) .....3

**Gafurova Irodakhon Mukhtarovna**

Islamic architectural monuments in Turkestan (Second half of the 19th century -  
the beginning of the 20th century) .....21

**Гафурова Иродахон Мухтаровна**

Исламские архитектурные памятники в Туркестане (Вторая половина  
XIX века - начало XX века).....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....42

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ГАФУРОВА ПРОДАХОН МУХТАРОВНА**

**ТУРКИСТОНДА ИСЛОМ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tar524 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iiu.uz](http://www.iiu.uz)) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Ёвқочев Шухрат Акмалевич  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Агзамходжаев Саидакбар Саидович  
тарих фанлар доктори, профессор

Тлеубергенова Навбахор Абдукаримовна  
тарих фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» сентябрь соат 12 даги онлайн/офлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70) Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: [info@iiu.uz](mailto:info@iiu.uz). Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (103-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91).

Диссертация автореферати 2022 йил «31» август куни тарқатилди.  
(2022 йил 27 августдаги 8-рақамли реестр баённомаси)



**Д.Р.Махсудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлар доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исломов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ислом меъморий обидаларини ЮНЕСКО рўйхати асосида асраб-авайлаш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. XIX-XX аср бошида Туркистонда бунёд этилган ва қайтадан қад ростлаган ислом меъморий обидалари (اسلام آبدلري)га бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Ўша пайтларда Туркистон ҳудудида мавжуд бўлган масжидлар, мадрасалар, зиёратгоҳ ва мозорлар бузилиши билан бир қаторда, уларни сақлаб қолиш масаласи ҳам кун тартибида турган эди. Ушбу меъморий обидалар минтақа тарихидан дарак бериши билан бир қаторда, бу ерда яшовчи халқларнинг илмий, маданий, маънавий ҳаётининг ифодаси ҳам эди. Ўзбекистон тарихида давлатнинг мустақамланишида меъморий обидалар тарихи, уларнинг шаҳар маданиятида тутган ўрни ва Туркистон тараққиётига қўшган ҳиссасини очиб бериш долзарб вазифалардан саналади.

Дунёда минг йиллар давомида халқларнинг яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналарига сингиб кетган ислом дини ҳамда унинг архитектура маданиятининг шаклланишига таъсири билан боғлиқ илмий-маънавий меросни ўрганиш, кейинги авлодларга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда биринчи ренессанс даврида бунёд этилган обидалар, Амир Темур ва Темурийлар даврида барпо қилинган мажмуалар, уларнинг минтақа халқларига таъсири, қурилиши сабаб ва омиллари сингари йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мустамлака давридаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт, маданий қадриятларга муносабат масаласини илмий таҳлил этиш ва бугунги давр учун зарурий хулосалар чиқариш тарихни ўрганишдаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган диний-маърифий соҳага оид ислохотлар натижасида аждоқлар яратган маданиятни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносиб ворислар этиб тарбиялашга оид маданий-маънавий меросини тадқиқ этиш имконияти кенгайди. Туркистон ҳудудидаги улкан ислом меъморий обидалари – бебаҳо мерос, аждоқларимиз яратган цивилизация намуналари, уларнинг илмий кашфиётлари ва тараққиётга қўшган хизматларини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор берила бошланди. “Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мерос биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. ...Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур”<sup>1</sup>. Бу борада ислом меъморий обидаларининг улуғворлик моҳиятини тарғиб этувчи тарихи

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 224.

негизида шаклланган конструктив ғояларни ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорларида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларга қизиқиш XIX аср ўрталарида чор Россияси истилосидан бошланган. XIX-XX аср бошларида Россия империясининг протекторатлари сифатида Бухоро ва Хива хонликларида, Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларида бўлган рус ва хорижий элчилик миссиялари аъзолари ҳисоботларида<sup>2</sup> рус ҳарбийлари, сайёҳлари ёзишмаларидан маълум<sup>3</sup> 1895 йилда ташкил этилган “Туркестанский кружок любителей археологии” (“Туркистон археология ихлосмандлари тўғараги”), “Русское археологическое общество” (“Россия археология жамияти”) ва бошқа илмий ташкилотлар томонидан уюштирилган илмий экспедициялар давомида Туркистон ўлкасидаги исломий ёдгорликлар тўғрисида илк илмий маълумотлар тўпланган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару / Предисл. Н.А. Халфина. – М.: Наука, 1975; Бёрнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1849; Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве. – М.: Наука, 1983; Ханыков Н.В. Описание бухарского ханства. – СПб., 1843; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1876-1879 гг. – СПб., 1880.

<sup>3</sup> Стремоухов Н. Поездка в Бухару (извлечение из дневника) // Туркестанского края. – СПб., 1873; Хорошхин А.И. Сборник статей, касающихся до туркестанского края. – СПб., 1876; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. – СПб., 1879; Лагофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары (Очерки Средней Азии). – СПб., 1913; Масальский В.И. Туркестанский край. – СПб., 1913; Туркестанский сборник. Вып. За 1870-1917 гг.

<sup>4</sup> Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. 1895-1915 ежегодно; Протоколы заседаний Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии в

XX асрда ислом меъморий обидаларини асраш, сақлаб қолиш масалалари кўплаб тарихчи, археолог ва бошқа гуманитар соҳа вакиллари томонидан ўрганилган. Улар ўз илмий аҳамиятини бугунги кунгача ҳам йўқотмаган. Хусусан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Ўзбекистоннинг маданий обидаларини тарихий жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қатор муҳим тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур мавзуни ёритиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни совет даврида амалга оширилган ишлар ташкил этади. Бу даврда яратилган илмий ишлар ичида: О.Д.Чехович, Р.Мукминоваларнинг вақфномалар бўйича ишлари, С.Горшенина, В.Л. Воронина, О.А. Сухарева, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Л.Ю. Маньковская, С.Б. Лунина, А.С.Сагдуллаев ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари фактик материалларга бойлиги билан ажралиб туради<sup>5</sup>.

Мустақиллик даврида мазкур мавзу ўзбекистонлик олимлардан: М.А.Мирзаев, С.Д.Болтабоев, Б.М.Расулов, Г.Ф.Салижанова, Б.Б.Маллабоев, Н.Т.Алимова, Ф.Х.Бобожонова, Ў.Султонов, Р.Абриевларнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари билан бир қаторда, Аширбек Мўминов, Надирбек Абдулахатов, Кашахара Яйои, Бахтиёр Бабаджанов, Жюрген Паулларнинг чет эллик олимлар билан ҳаммуаллифликда амалга оширган бир қатор эпиграфик адабиётларида ҳам ўз аксини топган<sup>6</sup>.

Санаб ўтилган тадқиқотларда Туркистондаги ислом меъморий обидаларини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш, реставрация қилиш чуқур ўрганилган бўлса-да, ушбу ёдгорликларга Чор Россияси муносабати, маҳаллий аҳоли ва маҳаллий бошқарувнинг муносабати алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса, илмий ишнинг долзарблигини белгиловчи асосий омилдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2020-2022 йиллардаги бажарилган А-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида

---

историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. –М.: Типография Императорской Академии наук, 1904; Протоколы заседаний Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. –М.: Типография Императорской Академии наук, 1905; Известия Туркестанского комитета по делам музеев охраны памятников старины, искусства и природы (Турккомстарис). 1921–1923.

<sup>5</sup> Воронина В. Л. Национальные традиции архитектуры Узбекистана. – М., 1951; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958; Ўша муаллиф. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начале XX вв. – Ташкент, 1962; Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973; Пугаченкова Г.А. Термиз, Шахрисабз, Хива. – М.: Искусство, 1976; Манковская Л.Ю. Неизвестные памятники XVI-XIX вв. – Ташкент, 1969; Лунина С.Б. Города южного Согда в VIII-XIII вв. – Ташкент: Фан, 1983.

<sup>6</sup> Mazar Documents from Xinjiang and Ferghana (Facsimile). Edited by Ashirbek Muminov, Nadirbek Abdulahadov, Kawahara Yayoi. – Tokyo: Tokyo University of Foreign Studies, 2007 (Studia Culturae Islamicae, 88). – 234 p.; Schaibanidische Grabinschriften. Herausgegeben von Baxtiyor Babadjanov, Ashirbek Muminov, Jürgen Paul. Wiesbaden (Германия): Dr. Ludwig Reichert Verlag, 1997. – 300 с.; Muminov A. Epitaphs of Muslim Scholars in Samarkand (10th-14th Centuries), 2019.

ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда ислом меъморий обидалари тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** сифатида қуйидагилар белгиланади:

Туркистонда ислом меъморий обидаларига доир тарихшуносликнинг асосий босқичлари ва натижаларини ажратиш;

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларига тааллуқли архив ҳужжатлари, шахсий фондлар ва қўлёзмаларни кўриб чиқиш;

Туркистондаги масжид ва мадрасалар вақфномаларини тавсифлаш;

Туркистондаги ислом обидаларининг ҳолати ва тиклаш ишларини аниқлаш;

Туркистон генерал-губернаторлигидаги диний ташкилот ва муассасаларга ҳукумат даражасидаги эътиборни ёритиш;

Россия ҳокимиятининг Туркистон генерал-губернаторлиги ислом обидаларига муносабатини баён этиш;

Самарқанд ислом обидаларининг таъмирланиш тарихининг ўзига хос томонларини ўрганиш;

Бухоро ва Хива вассалликларидаги ислом обидалари аҳволини кўрсатиш;

Тошкентдаги ислом обидаларига Россия империясининг муносабатини очиб бериш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Туркистоннинг меъморий ёдгорликлари тарихи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги ислом меъморий обидаларига Чор Россияси муносабати ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс таҳлил, қиёсий таҳлил, биографик таҳлил, тарихий-қиёсий услублар ҳамда матнларни контент-анализ қилиш, тарихийлик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги ислом меъморий обидалари(اسلام ابدلري)да амалга оширилган реставрация ишлари хронологияси натижасида, Чор Россияси ҳукуматининг ушбу обидаларга нисбатан айрим ижобий муносабати Мирзо Улуғбек минорасини тўғрилаш, Бибихоним мадрасасини реставрация қилиш мисолида очиб берилган;

Туркистон бўйича етакчи олимлардан М.Е. Массон, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд мисолида, ислом тарихий обидаларни таъмирлаш ва сақлаб қолиш ишларида Чор Россияси ҳукуматидан мунтазам равишда мурожаатлар бўлгани архив ҳужжатлари, шахсий фондлар маълумотлари асосида исботланган;

Туркистонда XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида маҳаллий исломий меъморий обидаларни сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг зиёли қатлами томонидан махсус вақфлар (وقف) ажратилгани, улардаги нақшлар,

ёзувлар калькалаштириш, қабртошларни муҳофазалаш чоралари кўрилгани далилланган;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид ислом меъморий обидаларининг нураб бориши мисолида Туркистон ўлкасида давлат ва жамиятнинг регрессивлашуви, маҳаллий аҳолининг ўз меъморий обидаларига бўлган муносабати аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Туркистондаги ислом тарихий обидалари мисолида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид ўлка тарихида мустамлака маъмуриятининг реконструкция ишларига бўлган ёндашувлар, тамойил ва жараёнлар тизимли таҳлил асосида очиб берилган;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид ислом меъморий обидалари тарихининг истило давридаги институционал бошқарув механизми ўрганилган, Туркистон халқлари маданий кадриятларининг ажралмас қисми бўлган меъморий обидаларнинг ушбу даврдаги регрессив ҳолати далилланган;

Туркистонда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида маҳаллий исломий меъморий обидаларга муносабат нафақат вақфномалар, мерос ҳужжатлари ҳамда ёзишмаларда, балки мустамлака маъмуриятининг расмий ҳисоботлари, тўғарак ва жамият протоколларида, Европа олимларнинг тадқиқотлари илк усуллари ва ёндашувлари ҳам қўшилганлиги илмий асосланган;

Туркистонда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида маҳаллий исломий меъморий обидаларга муносабатнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари анъанавий меъморчиликнинг маданий-маънавий, диний-фалсафий илдизларининг уйғун такомиллашувига ҳамда замонавий меъморчиликнинг ўзаро трансформациялашувига хизмат қилганлиги очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот давомида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон исломий меъморий обидаларига доир Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни ўрганиш департаменти архиви, Ўзбекистон Миллий архиви, Туркистон археология қизиқувчилари протоколлари, Туркомстарис тўпламлари, Туркистон ведомостлари каби бирламчи манбаларга таянилганлиги, диссертация натижалари далиллар воситасида асосланганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар Туркистонда ислом меъморий обидаларига оид масалаларни ўрганишга бағишланган дарсликлар, маъруза матнлари яратишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ушбу натижалар олий ва ўрта махсус билим юртларида исломшунос, тарихчи, замонавий туризм мутахассисликлари учун амалий қўлланма вазифасини ўташи, шунингдек,

улардан “Диншунослик”, “Маданиятшунослик”, “Маданият ва санъат тарихи”, “Меъморий обидалар тарихи” фанларини ўқитишда ва улар бўйича янги дарслик, қўлланма ва махсус курслар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда ислом меъморий обидаларига оид тарихий манбаларни тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар асосида:

диссертация ишида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги ислом меъморий обидаларида амалга оширилган реставрация ишлари хронологияси натижасида Чор Россияси ҳукуматининг ушбу обидаларга нисбатан айрим ижобий муносабати Мирзо Улуғбек минорасини тўғрилаш, Бибихоним мадрасасини реставрация қилиш мисолида очиб берилгани ҳақидаги хулосалар “Динлар тарихи, таълимоти, манбалари ва анъаналарини тадқиқ этиш асосида “Дунё динлари” электрон дастури ва мобиль иловасини яратиш” электрон дастури ва мобиль иловасини яратиш грант лойиҳасига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 16 августдаги 02-03/6696-сон маълумотномаси). Натижада, бу Туркистон генерал-губернаторлигининг диний обидаларга бўлган муносабатининг реал воқелик асосида очиб берилишига хизмат қилган;

Туркистон бўйича етакчи олимлардан М.Е. Массон, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд мисолида, ислом тарихий обидаларини таъмирлаш ва сақлаб қолиш ишларида Чор Россияси ҳукуматидан мунтазам равишда мурожаатлар бўлгани архив хужжатлари, шахсий фондлар маълумотлари асосида исботланганига доир илмий-назарий хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг “Ўзбекистон – бағрикенг диёр” китоб-альбомининг “Ислом” қисмини такомиллаштиришга хизмат қилган. Диссертация ишининг комилликка ундовчи ғоялари инсон қадрини улуғлаш, маърифатли маънавий макон барпо этишда ҳамда ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда субстанционал асосга эга эканлиги илмий-назарий жиҳатдан исботланган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 10 августдаги 02/379/1-сон далолатномаси). Натижада, илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий-маданий жамоатчилиқни кенг хабардор этиш ҳамда каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини такомиллаштиришда кенг фойдаланилган;

Туркистонда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида маҳаллий исломий меъморий обидаларни сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг зиёли қатлами томонидан махсус вақфлар ажратилгани, улардаги нақшлар, ёзувлар калькалаш, қабртошларни муҳофазалаш чоралари кўрилгани далиллангани асносида тадқиқот жараёнида олинган илмий-назарий хулосалардан Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази ходимлари томонидан тайёрланиб, нашр этилган: “Имом Термизий”, “Ҳаким Термизий”, “Хожа

Алоуддин Аттор”, “Сўфи Оллоҳёр” номли китоб-рисолаларнинг мазмунини тўлдириш ҳамда мазкур алломалар номи билан боғлиқ меъморий обидаларни ўрганишда кенг фойдаланилган. (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 26 августдаги 01-07/136-сон далолатномаси). Натижада, жамоатчиликни Туркистондаги ислом меъморий обидаларини асраб-авайлаш ва сақлаш ишлари билан ўқувчини таништиришга эришилган;

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларига оид ислом меъморий обидаларининг нураб бориши мисолида Туркистон ўлкасида давлат ва жамиятнинг регрессивлашуви, маҳаллий аҳолининг ўз меъморий обидаларига бўлган муносабати аниқланганлигига доир хулосалар Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг “Муҳим савол-жавоблар” ҳамда “100 тарихий ёдгорликлар” номли китоблар мазмунига сингдирилган (Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 25 августдаги 01/160-сон далолатномаси). Натижада, бу XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистондаги ислом меъморий обидаларида амалга оширилган реставрация ишлари, уларни асраб-авайлаш ва сақлаб қолиш бўйича ўқувчида тасаввурининг шаклланиши ва тарихий билимларининг ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий тадқиқот ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Туркистон ўлкасидаги ислом меъморий обидаларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари» деб номланиб, у учта параграфдан иборат.

«Ислом меъморий обидаларига оид тарихишуносликнинг асосий босқич ва натижалари» номли биринчи параграфиди Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида маҳаллий исломий меъморий обидаларга муносабат тарихига оид тарихишуносликнинг ўрганиш муаммолари таҳлили шуни кўрсатадики, агар мустамлакачилик давридан олдин унинг асоси фақат вақфномалар, мерос ҳужжатлари ҳамда ёзишмаларда қайд этилган бўлса, XIX асрдан бошлаб, улар қаторига мустамлака маъмуриятининг расмий ҳисоботлари ва Европа олимларининг тадқиқотлари илк усуллари ва ёндашувлари ҳам қўшилган <sup>7</sup>.

Исломий меъморий обидаларга маҳаллий аҳоли, Россия ҳукумати, маҳаллий хон ва бекларнинг муносабати тарихига доир маълумотларни қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) Ўрта асрлар муаллифларининг шу ҳудудга доир изланишлари;
- 2) Чор Россияси даври тадқиқотчиларининг изланишлари:
  - а) маҳаллий тадқиқотчилар асарлари;
  - б) хорижий тадқиқотчилар асарлари;
- 3) Совет даври тадқиқотлари;
- 4) Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Бу даврга қизиқиш ва уни ўрганиш мустақиллик йилларига келиб ҳам давом этган. 1990 йилларда аграр муносабатлар, ирригация муаммолари, сиёсий тузум, банк иши ва таълим йўналишига аҳамият берилган бўлса <sup>8</sup>, 2000 йилларга келиб эса, тарих фанларида асосий урғу миллий озодлик ҳаракатлари, қишлоқ хўжалиги, вақф мулкчилиги муносабатлари, маданий ҳаёт, савдо алоқалари ва бошқа кўплаб мавзуларга <sup>9</sup>, 2010 йиллардан бошлаб, давр тарихишунослиги, таълим тизими, тадбиркорлик, анъанавийлик, даврий матбуот, рус таълим муассасалари, иқтисодий сиёсат, солиқ сиёсати, вақф институти ва мусиқа маданиятини <sup>10</sup> очиб берадиган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояларига аҳамият қаратилган.

<sup>7</sup> Илмий тадқиқотимиз тарихий қамрови Туркистон генерал-губернаторлиги (1865-1917 й.й.) ҳамда Туркистон АССР (1917-1924 й.й.) даврларини ўз ичига олади (Муаллиф мулоҳазаси).

<sup>8</sup> Мирзаев М.А. Становление и развитие дела охраны и изучения памятников старины и культуры в Узбекистане (1917-1941). – Ташкент, 1994; Болтабоев С.Д. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулкчиси. Т.ф.н. 07.00.02 Ватан тарихи. – Тошкент, 1995; Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан. XIX аср охири ва XX аср 20-йиллари. Т.ф.н. 07.00.02 Ватан тарихи. – Андижон, 1996; Салижанова Г.Ф. Туркистонда ўқитиш – маърифатчилик ўчоқлари, уларнинг ижтимоий аҳамияти (XIX аср охири XX аср бошлари). Т.ф.н. 07.00.02 Ватан тарихи. – Тошкент, 1998.

<sup>9</sup> Маллабоев Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Аҳрор авлодлари вақф мулкчиси мисолида). Т.ф.н. 07.00.02 Ўзбекистон тарихи. – Наманган 2004; Алимова Н. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1867-1917 йй.). Т.ф.н. 07.00.02 Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2004.

<sup>10</sup> Мадьярова С.Н. Туркистон мухторияти тарихишунослиги (1917-2008 й). Т.ф.н. 07.00.09 – Тарихишунослик. – Тошкент: 2010; Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири XX аср бошларида). Т.ф.н. 07.00.01 Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2011; Султонов Ў. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар. Т.ф.д. – Тошкент, 2017; Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. – Самарқанд, 2018.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон давридаги тарихий-маданий, меъморий исломий обидаларга қизиқиш ва уларни ўрганишга иштиёқ катта бўлган. Чет эл ва маҳаллий олимлар масжид ҳамда мадрасаларнинг қурилиши, жойлашиши, меъморий ранг-баранглигини ўрганиш билан бирга, ушбу тарихий обидаларни сақлаб қолиш, асраш ва авайлашга катта эътибор қаратишган.

Чор Россияси даврида рус ҳукумати томонидан Туркистон ҳудудидаги исломий меъморий обидаларни ўрганиш, ўлчаш, альбомларини яратиш, сақлаб қолиш учун маҳаллий меъморлар билан суҳбатлар ўтказганликлари гувоҳи бўлинди. Бу давр обидаларини ўрганиш натижасида ўлкада нақадар салобатли тарихий ва меъморий обидалар мавжуд бўлгани аниқланди.

Бобнинг *“Туркистон ҳудудидаги меъморий обидаларга доир архив ҳужжатлари ва қўлёзмалар таснифи”* номли иккинчи параграфида Туркистондаги исломий меъморий обидалар ҳақидаги маълумотларни:

- 1) бир нечта археологик, географик, этнографик жамият ва тўғараклар маълумотларидан;
- 2) Туркистон ведомостларидан;
- 3) шахсий фонд маълумотларидан;
- 4) ноёб лойиҳа ва альбом маълумотларидан чуқур ўрганиш мумкин.

Туркистон ўлкасидаги исломий ёдгорликлар тўғрисидаги илк илмий маълумотларни: 1895 йилда ташкил этилган “Туркестанский кружок любителей археологии” (“Туркистон археология ихлосмандлари тўғараги”)<sup>11</sup>,

---

<sup>11</sup> Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год первый. (11 декабрь 1895-11 декабрь 1896 г.). –Т., 1896; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год второй. (11 декабрь 1896-11 декабрь 1897 г.). –Т., 1897; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год третий. (11 декабрь 1897-11 декабрь 1898 г.). –Т., 1898; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год четвертый. (11 декабрь 1898-11 декабрь 1899 г.). –Т.: Типо-литография торгового дома «Ф. и Г. Бр. Каменски». 1899; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год пятый. (11 декабрь 1899-11 декабрь 1900 г.). –Т., 1900; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год шестой. (11 декабрь 1900-11 декабрь 1901 г.). –Т., 1901; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год седьмой. (11 декабрь 1901-11 декабрь 1902 г.). –Т., 1902; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год восьмой. (11 декабрь 1902-11 декабрь 1903 г.). –Т., 1903; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год девятый. (11 декабрь 1903-11 декабрь 1904 г.). –Т., 1904; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год десятый. (11 декабрь 1904-11 декабрь 1905 г.). –Т., 1905; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год одиннадцатый. (11 декабрь 1905-11 декабрь 1906 г.). –Т., 1906; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год двенадцатый. (1 января 1906 г.-1 января 1907 г.) –Т., 1907; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год тринадцатый. (1 января 1907 г.-1 января 1908 г.) –Т.: Типо-литография В.М.Ильина. 1908; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год четырнадцатый. (1 января 1908 г.-1 января 1909 г.) –Т., 1909; 15–17 йиллар (уч йиллик) Протоколлари (1909–1912 йиллар) И.Т.Пославский хотирасига бағишлаб чиқариладиган махсус Тўпламга олиб қўйилди; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год восемнадцатый. (1 января 1912 г.-1 января 1913 г.) –Т., 1913; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год девятнадцатый. (1 января 1913 г.-1 января 1914 г.) –Т., 1914; Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год двадцатый. (1 января 1914 г.-1 января 1915 г.) –Т., 1915.

“Туркестанский отдел Русского географического общества” (“Рус география жамиятининг Туркистон бўлими”), “Русское археологическое общество” (“Россия археология жамияти”), Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш бўйича рус Қўмитаси протоколларида<sup>12</sup>, “Туркомстарис” (Туркестанский комитет по охране памятников старины, искусства и природы\Табиат, санъат, тарихий ёдгорликларни ҳимоялаш бўйича Туркистон қўмитаси)<sup>13</sup>, кейинчалик, “Средазкомстарис хабарлари”да<sup>14</sup>, Туркистон ведомостлари ва бошқа илмий ташкилотлар томонидан уюштирилган илмий экспедициялар ҳисоботлари ва маълумотларда кўришимиз мумкин. Ушбу ҳисоботлар, тўпланган маълумотлар вақфномалар<sup>15</sup> ва архив материаллари тадқиқотнинг манбавий асосини ташкил этган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чор Россияси Туркистон қадимги обидаларини ўрганишга катта қизиқиш билан қараган. Ҳудуддаги барча обидаларни ўрганиб чиқишга бир қатор олимлар, шарқшунослар, муҳандислар, меъморлар, археологлар жалб қилинган. Рус олимлари ҳар бир обидани чизмасини қилиб, уни ўрганиб, сақлаб қолиш учун режалар тузиб, сметаларини тайёрлаб, рус ҳукуматига тақдим этган. Бу ҳақида русларнинг барча тўғарак ва ташкилотлари эсдалик ва ёзишмаларида қайд этилган.

*Бобнинг «Вақфномаларда исломий меъморий обидаларга эътибор ва муносабатнинг шаклланиши»* номли учинчи параграфида Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви ҳужжатлари орасида IX-XV асрлар, XVI-XIX асрлар вақф ҳужжатлари билан бир қаторда, биз ўрганаётган даврларга тааллуқли 1867-1924 йиллар вақф ҳужжатлари ҳам мавжуд. Вақф ҳужжатлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Хоразм ва Тошкентда имзоланган бўлиб, айрим шахслар томонидан кўчмас мулк ёки аниқ пул миқдори масжид ёки мадрасаларни таъмирлаш, қайта тиклаш, сақлаш, муаззин ва имомларга ойлик тўлаш, мадраса ўқувчиларига стипендия тўлаш учун аталган.

Туркистонда вақфларнинг учта тури бўлган, уларнинг асосий шартларидан бўлган: вақф қилувчининг исми, отасининг исми, вақф қилинаётган масжид ёки мадрасанинг номи, агар ер мулки вақф қилинаётган бўлса, унинг чегаралари, ҳажми, пул миқдори, дўкон ёки раста бўлса, жойлашган кўчаси ва чегарадошлари – ҳаммаси батафсил вақфномада кўрсатилган. Масжид ёки мадрасага аталган вақфнинг шартлари бирма-бир санаб кўрсатилган. Ердан тушган ушрнинг неча қисми, кимга тегишлилигича қайд этилган.

---

<sup>12</sup> Протоколы заседаний Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. –М.: Типография Императорской Академии наук, 1904; Протоколы заседаний Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. –М.: Типография Императорской Академии наук, 1905.

<sup>13</sup> Известия Туркестанского комитета по делам музеев охраны памятников старины, искусства и природы (Туркомстарис). 1921–1923.

<sup>14</sup> Известия Средне-Азиатского комитета по делам музеев охраны памятников старины, искусства и природы (Средазкомстарис) Выпуск №1, 1924.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Миллий давлат архиви. И–323 фонд, 1 ва 2 йиғма жилдлар.

**«XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида диний обидалар»** номли иккинчи бобнинг «*Туркистон ўлкасида ислом обидаларининг ҳолати ва тадқиқи*» деб номланган биринчи параграфиди, аввало, исломий меъморий обидаларига қайси ёдгорликлар мансублигига оид масалалар ёритилган. Улар сирасига: масжидлар, мадрасалар, минора, хонақоҳ, мақбара ва мазорлар киради.

Ислом динида мусулмонлар томонидан илк қурилган масжид<sup>16</sup> – Мадина шаҳрининг чеккасида жойлашган Қубо, кейин Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) масжиди. Мусулмон оламида учта масжид алоҳида эътиборга лойиқ ва бошқа масжидлардан устун ҳисобланган. Булар: Маккадаги ал-Ҳаром масжиди, Мадинадаги Пайғамбар масжиди ва Қуддусдаги ал-Ақсо масжидидир. Масжидларнинг тўрида, Маккага қараган (қибла) томонида меҳроб, ҳовлисида ҳовуз, бир ёки бир неча минора бўлиши мумкин. Айрим йирик масжидлар меҳробининг ўнг томонида ваъзхонлик учун мўлжалланган минбар, баъзиларида эса, Қуръон ўқиладиган махсус жойлар ҳам бор<sup>17</sup>.

Барча фактлар шуни далиллайдики, рус ҳукумати ислом меъморий обидалари ва ёдгорликларининг мусулмон жамиятидаги ўрнига тушуниш билан қараган. Еттисув вилоятидаги ислом обидаларига, у ерлар сейсмик жиҳатдан фаол бўлганлиги сабабли катта эътибор қаратган. Ҳукумат муқаддас жойларда ҳукуматга қарши тарғибот ишлари бўлмаслигининг олдини олган. Тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш туркистонлик маҳаллий аҳоли мажбурияти бўлса-да, лекин рус ҳукумати маблағ камлигига қарамасдан, дунё ҳамжамияти олдидаги ўз бурчини бажариш деб қараган. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистондаги исломий меъморий обидаларга нисбатан эътибор бериб, таъмирлаш ишлари, сақлаш ишларини олиб борган.

Мазкур бобнинг «*Туркистон генерал-губернаторлигидаги диний ташкилот ва муассасалар*» номли иккинчи параграфиди XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга руслар босқинидан сўнг, россияликлар кўчиб келиши жадаллашгани, Россиядан кўчиб келаётганлар ўз дини ва урф-одатлари билан кириб келганлиги баён этилган..

Ўрта Осиёга Россия кириб келишининг бошиданок мусулмон аҳолида христианлик динига қизиқиш уйғонган. Туркистон ўлкаси сенатор-ревизори Гирс 1880 йилда мусулмонларнинг черковлардан ўтказилган православ ибодат маросимларини катта қизиқиш билан кузатган<sup>18</sup>. Ҳарбий ва денгиз руҳонийлари протопресвитери А.Желобовский XX аср бошида Туркистонга келиб, мусулмонлар черковларда ибодат маросимларини кузатаётганининг гувоҳи бўлган<sup>19</sup>. Бундан кўриш мумкинки, “қизиқувчан” мусулмонлар православ дини анъаналарига янгилик сифатида қарашган.

<sup>16</sup> مسجد – масжид арабчадан, сажда қилинадиган жой, мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийган жой, ибодат уйи //Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: 2003. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Б. 361.

<sup>17</sup> Ислом энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. –Б. 291-292.

<sup>18</sup> Отчет ревизующего по Высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Гирса. – СПб., 1884. –С.458.

<sup>19</sup> ЎзР МДА. ф. И-1, оп.6, д.100, л. 6.

Хулоса килиб айтганда, Туркистонда православ черковларининг фаолияти ибодатхоналар камлиги сабаб чигаллашган. Ўрта Осиёдаги илк черковлар лойдан барпо этилиб, тез вайрон бўлиб кетган. Ёғочдан қурилганлари кўпроқ турса-да, ёнгин чиқиш жиҳатидан хавфли бўлган. Подшо ҳукумати Туркистон православ аҳолиси учун кам маблағ ажратган, қурилишларни халқ бўйнига қўймоқчи бўлган. Йирик аҳоли пунктларига, асосан, давлат ғазнаси ҳисобидан қурилган черковлар черков-қурилиши капиталини нораціонал сарф қилингани боис етишмаган. Бошқа диний жамоалар ҳам Туркистон ўлкасида ўз ибодатхоналари, расм-русмлари билан яшаб келган. Якудийлар, буддавийлар ҳам мусулмон аҳолиси билан баҳамжиҳат ҳаёт кечирганлар.

